

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси

60530500–Геология (фаолият соҳаси бўйича)
бакалаврият таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Геология фанлари университети.
- "Ўзбек геология қидирув" АЖ

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2022 йил «29» 08 даги 5 – сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил «9» 09 даги 302 – сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<i>60530500–Геология (фаолият соҳаси бўйича)</i> бакалаврият таълим йўналишининг умумий таснифи.....	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси.....	4
1.1.1.	<i>60530500–Геология (фаолият соҳаси бўйича)</i> таълим йўналиши Малака талабининг кўлланилиши.....	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>60530500–Геология (фаолият соҳаси бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи	4
1.2.1.	<i>60530500–Геология (фаолият соҳаси бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2.	<i>60530500–Геология (фаолият соҳаси бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	4
1.2.3.	<i>60530500–Геология (фаолият соҳаси бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4.	<i>60530500–Геология (фаолият соҳаси бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2.	<i>60530500–Геология (фаолият соҳаси бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар.....	7
2.1.	Умумий компетенциялар.....	7
2.2.	Касбий компетенциялар.....	7
	Библиографик маълумотлар.....	9
	Келишув варағи.....	10

1. 60530500–Геология (фаолият соҳаси бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг умумий таснифи

60530500–Геология (фаолият соҳаси бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 60530500–Геология (фаолият соҳаси бўйича) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби 60530500–Геология (фаолият соҳаси бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиши бўйича малака талаблари, фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасасининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим муассасининг талабалари;

– бакалаврият битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

– таълимни бошқариш бўйича ваколатли Давлат органлари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

– олий таълим муассасаларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60530500–Геология (фаолият соҳаси бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи

1.2.1. 60530500–Геология (фаолият соҳаси бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

60530500–Геология (фаолият соҳаси бўйича) бакалаврият сиртки таълим йўналиши, табиий билимлар соҳасидаги йўналиш бўлиб, геология соҳасини ривожлантиришга, истиқболни белгилашга, касбий кўникмага, мутасаддилик қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари, методлари ва услубларининг мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 60530500 – Геология (фаолият соҳаси бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

– ернинг геологик тузилишини ўрганишнинг табиий ва табиий-техникавий воситалари;

– табиатда учрайдиган тоғ жинсларини;

– минераллар ва уларнинг текстура ва структураси;

– маъданли ва номаъдан фойдали қазилмалар;

– минералларнинг кимёвий таркибини;

– табиатдаги геологик жараёнлар;

- ер қаърининг физик ҳолати ва кимёвий таркиби, ички тузилиши;
- фойдали қазилма конларини қидиришнинг белгилари;
- фойдали қазилма конларини излаш ва қидиришнинг техник воситалари.

60530500–Геология (фаолият соҳаси бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:

- *Геологик ишларини амалга ошириш ва такомиллаштириш бўйича бўлинмалар, корхоналар, ташиқлотлар, вазирлик ва идораларга маслаҳат ёрдамни кўрсатиш;*
- *Геологиянинг иқтисодий ривожланишини режаслаштириш ва башорат қилиш;*
- *Геологиянинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;*
- *Геологик ишларни ташиқил этиш ва бошқаришнинг илғор шакллари ва усулларини ишлаб чиқиш;*
- *Текшириш ва татбиқ этиш, илмий тадқиқотлар ўтказишда фаол қатнашиш*
- *Компьютер технологиялари ва дастурланиши;*
- *Касбий таълим дидактикаси;*
- *Касбий таълим педагогикаси ва таъхис технологияси;*
- *Ўқитишнинг дидактик воситалари;*
- *Таълимнинг электрон воситалари;*
- *Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизимидаги ўрни ва роли.*

1.2.3. 60530500–Геология (фаолият соҳаси бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- *муҳандислик-қидирув ва лойиҳа-конструкторлик фаолияти;*
- *ишлаб чиқариш-технологик фаолият;*
- *ташиқилий-бошқарув фаолияти;*
- *илмий-тадқиқот фаолиятини ўз ичига олади.*

1.2.4. 60530500–Геология (фаолият соҳаси бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари

60530500–Геология (фаолият соҳаси бўйича) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

касбий фаолиятда дала геологик-разведка ишларини ўтказиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиш услубларини ўзлаштирган бўлиши, фонд материалларини умумлаштириш ва таҳлил қилишни ҳисоблашнинг замонавий методларини қўллаш қобилиятига эга бўлиши;

касбий фаолиятда конларни техник–иқтисодий баҳолаш, техник–иқтисодий кўрсаткичларни аниқлашни билиши, иқтисодиёт ва унинг тармоқларининг ривожланиш қонунлари ва қонуниятларини мукамал билиши ва улардан фойдаланишни замонавий методларини қўллаш қобилиятига эга бўлиши;

бажарилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича фаолиятнинг ишлаб чиқариш ва технологик масалаларини фан ва техниканинг замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда касбий ечиш қобилиятига эга бўлиши;

инсон соғлиғини ва унинг ишчанлик қобилиятини сақлаш бўйича ҳамда меҳнат жараёнида хавфсизликни таъминлаш бўйича методика ва тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш қобилиятига эга бўлиши;

ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлиги бўйича мутахассисларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш **қобилиятига эга бўлиши** керак.

Геологик-қидирув ва лойиҳавий-конструкторлик фаолиятида:

– фойдали қазилма конларидаги излаш, баҳолаш ва қидириш ишлари мажмуини ва бошқаларни лойиҳалаш;

– лойиҳавий ва ишчи техник ҳужжатларини тайёрлаш, яқунланган лойиҳавий-конструкторлик ишларини расмийлаштириш;

– фойдали қазилма конларидаги излаш, баҳолаш ва қидириш ишларида техник ҳужжатларни (ишларни бажариш графиклари, йўриқномалар, режалар, сметалар, материал ва жиҳозларга буюртмалар) тузиш;

– ишлаб чиқилувчи лойиҳалар ва техник ҳужжатларни вазифалар, стандартлар, меъёрлар ва бошқа ижро ҳужжатларига мувофиқ келишини таъминлаш;

– ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш, фавқулодда содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиш;

– замонавий ахборот технологиялардан бошқарувда фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

– амалиётда ахборот технологияларининг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий парадигма ва методологияларни, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равишда қўллаш қобилиятларини ўзлаштириш.

Ишлаб чиқариш-технологик фаолиятида:

– фойдали қазилма конларидаги излаш, баҳолаш ва қидириш ишлари жараёнларини бажариш, маромига етказиш ва ўзлаштириш;

– техникавий-иқтисодий таҳлил қилиш;

– ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича технологик ечимларни ишлаб чиқиш;

– фойдали қазилма конларидаги излаш, баҳолаш ва қидириш ишларида технологик интизомга риоя қилинишини назорат қилиш;

– намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни амалда қўллаш;

– илмий ва амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;

– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

– ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг самарали усулларини танлаш ва қўллаш;

– касбий этика қоидаларига риоя қилиш.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

– замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

– ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини стратегик ривожлантиришда замонавий иқтисодий билим ва тажрибаларни қўллаш орқали бошқариш;

– геология қидирув гуруҳи, партияси, экспедицияси бошлиғи, техника хавфсизлиги хизмати бошлиғи ва б. бўлиб ишлаш;

– геология-қидирув ишлари жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;

– ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришда сифатни бошқариш;

– ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;

– фикрлар хилма-хиллиги шароитида бошқарув қарорини қабул қилиш;

– бирламчи ишлаб чиқариш бўғинининг ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;

– бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширишда эришилган натижаларини баҳолаш;

– ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш кўникмалари.

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- замонавий методлар ва воситалардан фойдаланиб фаолият объектлари ҳолатини таҳлил қилишда иштирок этиш;
- намунавий методикалар ва бошқалар бўйича экспериментал тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижаларига ишлов бериш;
- илмий-техникавий ҳисоботлар ва тушунтириш хатларини ишлаб чиқиш;
- ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий обзорларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;
- илмий-тадқиқотларни ўтказиш ва янги илмий ҳамда амалий натижаларни олиш қобилиятига эга бўлиш;
- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш;
- илмий семинарлар, илмий-техникавий конференциялар ишида иштирок этиш;
- илмий-техникавий мавзувий журналларга мақолаларни тайёрлаш
- танланган фаолият профилига мос келувчи илмий-техник ахборотлар, илғор махаллий ва хорижий тажрибаларни билиш;
- мавзу (топшириқ) бўйича илмий-техникавий маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотларни тизимлаштиришда иштирок этиш;
- илмий-тадқиқот натижаларини ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишда қатнашиш;
- бажарилган ишлар бўйича ҳисобот тузиш, берилган услублар бўйича экспериментларни қўйиш ва бажариш усулларини эгаллаш.

2. 60530500–Геология (фаолият соҳаси бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;
- геология-қидирув ишларининг мақсади ва вазифаларини билиш ва улар асосида фойдали қазилма конларини қидириш в разведка қилиш жараёнларни амалга ошириши кўникмаларига эга бўлиш;
- бажарилаётган тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқот қилишни билиш;
- лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;

- маъданлар ва тоғ жинслари коллекциялари бўйича коннинг генетик турини аниқлаш кўникмаларига эга бўлиш;

- амалиётда ахборот технологияларининг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий парадигма ва методологияларни, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равишда қўллаш қобилиятларини ўзлаштиришни билиш;

- фойдали қазилма конларидаги қидириш, баҳолаш ва разведка қилиш ишлари жараёнларини бажариш, маромига етказиш ва ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;

- фойдали қазилма конларидаги қидириш, баҳолаш ва разведка қилиш ишларида технологик интизомга риоя қилинишини назорат қилишни билиш;

- касбий этика кодексига риоя қилиш кўникмаларига эга бўлиш;

- илмий ва амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;

- танланган фаолият профилига мос келувчи илмий-техник ахборотлар, илғор маҳаллий ва хорижий тажрибаларни билиш;

- бажарилган ишлар бўйича ҳисобот тузиш, берилган услублар бўйича экспериментларни қўйиш ва бажариш усулларини эгаллаш кўникмаларига эга бўлиш.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастури, қонун, қоида, қарор, олий таълим, ўқув жараёни, магистратура, консалтинг, лойиҳа-қидирув, тоғ жинслар, дельта чўкиндилари, делювий, геологик структуралар, бурғи кудуқлари, керн, кернларни хужжатлаштириш, фойдали қазилмалар, намуналаш, геологик кесма, геологик хариталаш, қидириш мезонлари, педагогик, илмий-педагогик иш, малака амалиёти, битирув малакавий иш, баҳолаш, сифат назорат, давлат аттестацияси, мустақил таълим, ўқув фанлари блоки, мундарижа, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, профиль, амалиёт объекти, кадрлар сифати, юклама, юклама ҳажми, ички назорат, якуний давлат назорати, давлат-жамоатчилик назорати, ташқи назорат, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни, моддий-техник база.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Геология фанлари университети

Ректор в.б. _____ М.У.Исоқов

2022 йил « 29 » 08

М.Ў.



КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор _____ Ш.У.Якубов
2022 йил « 29 » 08

М.Ў.



Ислом Каримов номидаги
Тошкент давлат техника университети

Ректор _____ С.М. Турабджанов
2022 йил « 29 » 08



"Ўзбек геология кидирув" АЖ

Бошқарув раиси _____ М.И.Илхамов

2022 йил « 29 » 08

М.Ў.



"Регионалгеология" ДУК

Директор _____ А.А.Варисов

2022 йил « 29 » 08

М.Ў.

